# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2007 YIL 23 OKTYABR, SESHANBA 127 (7276) - сон

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan


Ўзбекистон 1991-2007 йилларда

**Ўтган йиллар мобайнида замонавий, ҳар томонлама жиҳозланган ўқув юртларини барпо этиш учун 5 миллиард доллардан ортиқ бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар йўналтирилди.**





Бугунги кунда Фарғонада улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Янги қурилиб фойдаланишга топширилган 720 ўринли Риштон тиббиёт коллежининг ўқувчиларга туҳфа этилиши фикримиз исботидир.

Замонавий, муҳташам ва кўркам мазкур ўқув даргоҳи ўзининг қулайлиги, шинамлиги, кенг ҳамда ёруғ хоналарга эгалиги билан ажралиб туради. Айниқса, фан кабинетларининг янги ўқув жиҳозлари билан таъминланиши таълим жараёнини янада такомиллаштиришга имкон яратади.

Эндиликда бу ерда ҳамширалик иши, лаборатория-диагностика ҳамда тиббий профилактика бўйича мутахассислар тайёрланади.

СУРАТДА: тиббиёт коллежи ўқувчиси Дилноза Исоқова.

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

***Фарғона вилояти***

## Куннинг муҳим воқеалари

**○Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан таъсис этилган Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

○Тошкентдаги Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида анъанавий Меҳржон байрам сайли ташкил этилди.

**○Халқаро ҳамкорлик марказида болалар неврологиясининг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.**

○Тошкент шаҳрида ОИТС хасталиги профилактикасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари, давлат ва жамоат тузилмалари ҳамда халқаро ташкилотларнинг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш масалаларига бағишлаб ташкил этилган Марказий Осиё мамлакатлари иккинчи халқаро форум бўлиб ўтди.

**○Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Қорақалпоғистон филиали, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қорақалпоғистон кенгаши ҳамда Республика фермер хўжаликлари уюшмаси билан ҳамкорликда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда бозор муносабатларига ўтишнинг муҳим йўналишлари" мавзуида семинар-кенгаш ўтказилди.**

○Фарғона шаҳрида "Янги авлод-2007" Республика болалар ижодиёти фестивалининг минтақавий босқичи якунланди.

**○Навоий вилоятининг Учқудуқ туманида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Шу азиз Ватан — барчамизники» шиори остида дўстлик форуми бўлиб ўтди.**

○Фарғона шаҳридаги чақирув йиғин пунктида чақирилувчиларнинг навбатдаги гуруҳини Қуролли Кучларимиз сафига кузатиш маросими ўтказилди.

# Ютуқ ва камчиликлар таҳлили

***Андижон вилояти фаолларининг йиғилиши жорий йилнинг 9 ойи давомида амалга оширилган ишлар таҳлили ва Президент Ислом Каримовнинг шу йил 12 февраль куни бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижросига бағишланди.***

Вилоят ҳокими А.Усмонов бошқарган йиғилишда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларнинг асосий устувор йўналишларининг бажарилиши ва 2008 йилги мақсадли дастурлар ижросини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама этилди. Йиғилиш иштирокчилари уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини иситиш мавсумига тайёрлаш, давлат бошқаруви органлари ҳамда иқтисодиёт тармоқларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва янада ривожлантириш, пахта йиғим-терими мавсумини якунлаш, кузги-қишки дала ишларини амалга ошириш масалаларини ҳам кўриб чиқди.

Вилоят фаоллари йиғилишида бажарилган ишлар якунлари сарҳисоб қилиниб, камчиликларни бартараф этиш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича муайян чоралар белгиланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

* * *

***Президентимиз Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 12 февралда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари ва мамлакатни модернизация қилиш йўлидаги аниқ вазифалар белгилаб берилган. Тошкент шаҳар фаолларининг навбатдаги йиғилишида шу йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил қилинди.***

Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев бошқарган йиғилишда таъкидланганидек, ўтган вақт мобайнида ялпи ҳудудий маҳсулот 14 фоиз кўпайди. Саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 16, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 20, қурилиш ишлари, чакана савдо 22, пулли хизматлар, ташқи савдо айланмаси 23 фоизга ошди.

Фаоллар йиғилишида қўлга киритилган ютуқлар баробарида, йўл қўйилган камчиликларни кечиктирмай бартараф этиш зарурлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

* * *

***Тошкент вилояти фаолларининг навбатдаги йиғилиши жорий йил тўққиз ойида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бўйича энг муҳим дастурларнинг амалга оширилиши, галдаги устувор вазифалар, асосий дастурларни шакллантириш масалаларига бағишланди. Уни вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи З.Ниёзов бошқарди.***

Вилоятда ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш борасида сезиларли ўсишга эришилаётгани таъкидланди. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 7,7 фоизни ташкил этди. Жумладан, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 15,6, истеъмол товарлар ишлаб чиқариш 22,5, пудрат қурилиш ишлари 11,0, пулли хизматлар 20,1 фоиз ўсди. Аграр соҳада кечаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда.

Йиғилишда айрим тармоқларда йўл қўйилаётган камчиликлар жиддий танқид қилинди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.Санақулов сўзга чиқди.

* * *

***Президентимиз Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 февралда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишлари ва мамлакатни модернизация қилиш йўлидаги аниқ вазифалар белгилаб берилган. Сурхондарё вилояти фаоллари йиғилишида ўтган вақт мобайнида бу борада бажарилган ишлар атрофлича муҳокама этилиб, галдаги вазифалар белгиланди.***

Вилоят ҳокими А.Эшмуратов бошқарган йиғилишда ҳисобот даврида ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 107,6 фоизни ташкил этгани таъкидланди.

Хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш учун қулай шароит яратилгани вилоятда иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш имконини бермоқда. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўли қурилиши якунланиб, поездлар қатнови йўлга қўйилди. Сариосиё туманидаги Хонжиза полиметалл рудалар ва Бойсун туманидаги Гажак нефть-газ конларини ўзлаштириш бошланди. Хориж сармояси иштирокида 64 корхона ташкил этилди.

Афсуски, ҳисобот даврида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муайян камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилди.

Йиғилишда кузги-қишки мавсумга пухта ҳозирлик кўриш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, кузги дон экиш борасидаги ишлар ҳам кўриб чиқилди. Камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н. Хонов иштирок этди.

**(ЎзА)**

ХУШХАБАР

# Амударё суви – Уст юртда!

***Қарийб 21 миллион гектар ерни эгаллаган Устюрт саҳросининг 7 миллион гектари мамлакатимиз ҳудудидадир. У ҳозирги авлод кўз ўнгида уйғонмоқда, бутунлай ўзгармоқда. Саҳрони камардек кесиб ўтадиган "Қўнғирот – Бейнеу" йўлидан бугун машиналар қатнови бир зум ҳам тинмайди.***

Шу магистраль йўлнинг 40 километридаги Кийиксой мавзесида қурилиб фойдаланишга топширилган, халқ хўжалиги учун ғоят зарур бўлган Қўнғирот сода заводи, 5000 аҳоли истиқомат қиладиган Элобод шаҳарчаси, геологлар қўрғонлари мустақиллик йилларида барпо қилинганлигини эслашнинг ўзи бунга кифоя. Албатта, бу масканлар учун сув керак.

"Сув келтирган элда азиз" деганларидек, бу савобли, масъулиятли ишни "Қўнғироттехникавийсувбилантаъминлаш" бошқармаси аъло даражада уддалаяпти.

"Урганчтрансгаз" шуъба корхонасига қарашли бу бошқарманинг малакали мутахассислари обиҳаётни қудратли техникалар билан Амударёдан олиб, пўлат қувурлар орқали 320 километр узоқликка, Устюрт ичкарисига узатишмоқда. Натижада, Қўнғирот сода заводи, "Қорақалпоқия", "Тулей", "Ақшолак", темир йўл бекатларига, газ компрессор станцияларига, ҳар хил катта-кичик разъездларга сув мунтазам етказиб берилаяпти. Шунингдек, "Уст юрт", "Жаңа талап" чорвачилик ширкатлари аҳолиси ҳам саҳрода ҳаётий неъмат – сувдан баҳраманд бўлишади.

Албатта, бу жараёнлар тўла амалга ошиб, саҳро ичкарисига сувни етказиб беришнинг ўзи бўлмайди. Дастлаб, дарёдан олинган сув сунъий ва табиий омборларда тиндирилиб, тозаланиб, зарур баландликка кўтарилади ва юқори босим билан тегишли жойга узатилади.

Шубҳасиз, асрий Устюрт саҳросини ўзлаштириш, унинг беҳисоб бойликларини инсонлар манфаатларига хизмат қилдириш борасида ҳали катта ҳажмдаги ишлар адо этилади. Бу – биз сўз юритаётган бошқарма жамоаси олдига янада масъулиятли вазифалар кўндаланг қўйилади деганидир. Аҳил жамоа аъзолари бундай юмушларни келгусида ҳам аъло даражада адо этишади.

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

***Қорақалпоғистон Республикаси.***

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 23 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1145,48 | 1 Канада доллари | 1312,11 | 1 ЕВРО | 1818,72 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2609,03 | 1 Хитой юани | 170,28 | 10 Жанубий Корея вони | 13,95 |
| 1 Дания кронаси | 244,11 | 1 Малайзия ринггити | 379,32 | 10 Япония иенаси | 109,75 |
| 1 БАА дирҳами | 348,42 | 1 Польша злотийси | 490,30 | 1 Россия рубли | 51,36 |
| 1 АҚШ доллари | 1279,44 | 1 СДР | 1990,09 | 1 Украина гривнаси | 253,35 |
| 1 Миср фунти | 231,34 | 1 Туркия лираси | 1061,25 | | |
| 1 Исландия кронаси | 21,27 | 1 Швейцария франки | 1085,84 | | |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.


## ОБУНА – 2008



***"Қишлоқ ҳаёти" ва унинг иловаси "Ҳаёт" газеталарини йил давомида мунтазам ўқиб боришни истайсизми? Мамлакатимизда ва дунёда рўй бераётган воқеалардан, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларидаги ўзгаришлардан хабардор бўлиб, маданий-маърифий мавзулардаги мақолалар, фалсафий фикрлар билан йўғрилган бадиий асарларни мутолаа қилишни хоҳлайсизми? Унда 2008 йил учун газеталаримизга обуна бўлишга шошилинг!***

***"Ўзбекистон почтаси", "Матбуот тарқатувчи" идоралари ва бошқа ташкилотлар обунани расмийлаштиришмоқда. Таҳририятнинг ўзида ҳамда газетанинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги мухбирлари орқали шартнома асосида ҳам обуна бўлиш мумкин. 144-индекс бўйича "Қишлоқ ҳаёти" ва "Ҳаёт" газеталарига бир йўла, 145-индекс бўйича эса "Ҳаёт" газетасининг ўзига обуна расмийлаштирилаяпти.***


# Соғлом авлод — буюк келажак таянчи

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганига 5 йил бўлди.**

## Эзгу ғоянинг амалий ифодаси

***Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар этиб тарбиялаш Президентимиз Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармони бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди.***

Ўтган вақт мобайнида мазкур фармонга мувофиқ ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини мустаҳкамлаш, фарзандларимиз онгига соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга муҳаббат туйғуларини сингдириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий спорт мажмуалари қад ростлади.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ижрочи директори Абдулла ОЧИЛОВ қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Президентимиз Фармонига мувофиқ Болалар спортини ривожантириш жамғармасининг ташкил этилишидан кўзланган асосий мақсад — истиқлолнинг илк йилларидаёқ белгилаб олинган буюк мақсад-муддаоларимизга, қураётган жамиятимизга муносиб, ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялашдир. Мамлакатимизда болалар спортига қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик юртимизнинг порлоқ келажаги йўлида қўйилган мустаҳкам пойдевордир. Президентимиз оммавий спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги роли, жисмоний ва маънавий баркамолликнинг асоси эканлиги, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшлар учун ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этишини доимо таъкидлаб келади. Спорт орқали ёшларимизнинг дунёқараши ўзгаради. Бола спорт машғулотлари билан банд бўлса, оиласига, атрофга бошқача кўз билан қарай бошлайди. Унда меҳр-оқибат, аҳиллик ва масъулият туйғуси кучаяди.

Шу жиҳатдан мамлакатимизда аҳоли, айниқса болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида жисмоний тарбия ва спортни кенг ривожлантиришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Вакилларимизнинг турли халқаро беллашувларда, Олимпиада ўйинлари ва жаҳон биринчилиги мусобақаларида юксак натижаларга эришаётгани, мамлакатимиз спорт салоҳиятининг янада ошаётгани, шаҳар ва қишлоқларда замонавий спорт иншоотлари барпо этилаётгани, ёшлар ўртасида хилма-хил мусобақалар ўтказилиши анъанага айланди.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш борасида эришилаётган ютуқларда унинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилгани муҳим омил бўлмоқда. Президентимизнинг 2002 йилнинг 24 октябрида қабул қилинган "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида" ва 2004 йил 29 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари, бир қатор фармойиш ва қарорлари фаолиятимизда муҳим дастуриламал бўлаётир. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашига Президентимиз раҳбарлик қилаётгани ҳам бу соҳага нечоғли катта эътибор қаратилаётганидан яна бир далолатдир.

Ҳомийлик кенгашининг йиғилишларида бу борада амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар, мавжуд муаммоларнинг ечими топилади, келгуси мақсад ва вазифалар белгилаб олинади. Президентимизнинг 2004 йил 29 августдаги фармонига асосан болалар спортини ривожлантириш ва айниқса қишлоқ жойларда ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга оммавий жалб қилиш умумий ўрта таълим тизимини такомиллаштиришнинг муҳим вазифаси, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ажралмас қисми этиб белгиланди.

(Давоми 2-саҳифада)

